

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМУРОВА МАВЛУДАХОН МИРХАМЗАЕВНА

**ЁШЛАРДА СУРУНКАЛИ БОШ МИЯ ИШЕМИЯСИНИ
РИВОЖЛАНИШИДА АРТЕРИАЛ ГИПОТЕНЗИЯНИНГ КЛИНИК ВА
НЕВРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13- Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамурова Мавлудахон Мирхамзаевна

Ёшларда сурункали бош мия ишемиясини ривожланишида

артериал гипотензиянинг клиник ва

неврологик хусусиятлари 5

Мамурова Мавлудахон Мирхамзаевна

Клинико-неврологические особенности артериальной

гипотонии в развитии хронической ишемии головного

мозга у молодых 27

Mamurova Mavludahon Mirhamzayevna

Clinical and neurological features of arterial

hypotension in the development of chronic cerebral

ischemiainyoung 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМУРОВА МАВЛУДАХОН МИРХАМЗАЕВНА

**ЁШЛАРДА СУРУНКАЛИ БОШ МИЯ ИШЕМИЯСИНИ
РИВОЖЛАНИШИДА АРТЕРИАЛ ГИПОТЕНЗИЯНИНГ КЛИНИК ВА
НЕВРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1045 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Джурабекова Азиза Тахировна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оponentлар:	Дуцанова Гульсум Абдурахмановна тиббиёт фанлари доктори, профессор Хайдарова Дилдора Кадиrowна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2019.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил 3 август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро ш, А.Навоий кўчаси, 1 Тел/факс: (99865) 223-00-50, e-mail:buhmi@mail.ru).

Диссертация иши билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (030 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро ш, А.Навоий кўчаси, 1 Тел/факс: (99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил « 19 » июль да тарқатилди.
(2021 йил « 19 » июль даги _____ рақамли реестр баённомаси)




Д.Т.Ходжиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)


С.С.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди


Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациянинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра артериалгипотензия тахминан 12-15% катта ёш аҳоли орасида аҳолида учрайдиган касалликлар қаторига киради. Артериал гипотензиянинг (АГ) тарқалиши турли ёш гуруҳларида ҳар хил кузатилади, масалан, 20 ёшгача касаллик 16,6% аёллар ва 2,4% эркекларда, 21-30 ёшда—38,5% ва 14,5%, 31-40 ёшда—18,1% ва 3,9%, 41-50 ёшда эса—4,4% ва 2%ларда мос ҳолда учрайди. Умуман олганда, артериал гипотензия кузатилган кишилар сони етарлича кўп бўлиб, ушбу муаммога мутахассис ва олимлар диққатини жалб қилади. «...бош мия қон томир патологияси соҳасидаги тадқиқотларнинг асосий қисми атеросклероз ва артериал гипертензия билан боғлиқ, бош мия марказий қон томир тизими касалликлар сабаблари сингари артериал гипотензияга жуда кам эътибор қаратилган. Шунинг билан бирга мазкур патология бош мия қон томир касалликлари ривожланишида муҳим аҳамият касб этади...»¹. Бугунги кунда илмий тадқиқотларнинг асосий йўналиши нейросоматик декомпенсациянинг турғунлиги ва оқибати, патогенетик механизмлар шаклланиши, шунингдек сурункали бош мия ишемияси ривожланишининг эрта босқичларида прогностик мезонларни ишлаб чиқиш соҳа ходимлар олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ёшларда сурункали бош мия ишемияси ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятларинибаҳолашни такомиллаштириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қон босими параметрлари, вегетатив регуляция ҳолатининг кунлик мониторинг кўрсаткичлари билан клиник-неврологик белгилари йиғиндиси, сурункали қон томир патологиялари кузатилган ёшларда брахицефал ҳамда ўрта мия артерияларини дуплекс сканирлаш, клиник, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуал ўзгаришлар асосида артериал гипотензия оқибатида сурункали цереброваскуляр патология кузатилган ёш беморларда сурункали бош мия ишемиясиз когнитив бузилишларни, артериал гипотензия оқибатида сурункали бош мия ишемик касаллиги кузатилган ёш беморларни соғлом беморларга таққосланган бош мия (P300) когнитив чақирган потенциалларни таҳлил қилиш бўйича клиник тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан, жумладан, турли соматик касалликлар натижасида юзага келадиган бош мия қон айланишини бузилиши, insultларни ташхислаш, даволаш ва жарроҳлик амалиёти асоратларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига

¹Кудина Е.В, Рачек И.И., Ларина В.Н. Артериальная гипотензия: диагностика, немедикаментозные и медикаментозные методы лечения // Лечебное дело. – 2015. - №2. – С. 4-9; Барсуков А.В., Каримова А.М., Халимов Ю.Ш., Глуховской Д.В. Проблема артериальной гипотензии у пациентов молодого возраста в клинической практике//Вестник российской медицинской академии. – 2016. - №3(55).- С.30-35

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...Ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ёшларда сурункали бош мия ишемияси ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятлари баҳолашни такомиллаштириш самардорлигини ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишиларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Артериал гипотензия касаллигини клиникасини ўрганишга бўлган қизиқиш узоқ вақт олдин пайдо бўлган ва бугунги кунда ҳам долзарбдир. Илк бора хорижлик муаллифлар АГ беморларига астения, вегетотомирли дистония, баъзи когнитив оғишлар, мослашувчан реакциялар депрессияси хослигини кўрсатган (Максимова М.Ю., 2011). Маълумки, АГ беморлар турмуш сифатини пасайтиради ва тўлиқонли ҳаёт кечиришларига тўсқинлик қилади (Барсуков А.В., Каримова А.М., Халимов Ю.Ш., Глуховская Д.В., 2016). Илмий адабиётлар АГ, атеросклероз, артериал гипертензия ва кардиал патология сингари ўткир ва сурункали қон томир касалликлари келиб чиқишининг алоҳида хавф омили деб тан олинган (Абдрахманова А.И., Цибулькин Н.А., 2013; Ласков В.Б., Чефранова Ж.Ю., 2012). Маълумки, АГ организм қаришини фаол тарзда тезлаштиради, кальций ва липидлар алмашинувини бузади. Мия ва коронар томирларнинг эрта атеросклерози АГ беморларининг 20-30% га хосдир (Долгова И., Стародубцев А., 2013). Аксарият беморларда АГнинг узоқ давомли кечишида неврологик патология пайдо бўлади (Лелюк В.Г., Лелюк

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

С.Э., 2014; Махмудов А.А. ва ҳаммуал., 2019). Кўп йиллик тадқиқотларни таҳлил қилиш АГ кузатилган беморларнинг ҳатто 20-44 ёшларида ҳам гипотоник қон томир энцефалопатия белгилари пайдо бўлишини кўрсатади. Бу патологик модификация гипертоник касаллик ва АГнинг гиперпарасимпатикотоник варианты механизмлари келиб чиқишининг генетик ҳамда гемодинамик умумийлигига асосланади (Н.С.Мамасалиев ва ҳаммуаллиф. 2018).

Ўзбекистонда қон босими касалликларининг патофизиологик, клиник ва хирургик йўналишларда самарали ташхислаш ва даволашда (Р.Д.Курбонов, 2019, 2020; Х.Я.Каримов, 2018, 2020, А.М.Хаджибаев А.М., Махамдаминов А.Г., Набиев А.А. ва б. 2020) қатор илмий тадқиқотларни амалга оширишмоқда, бироқ, катта ёшларда сурункали бош мия ишемияси ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, артериал гипотензияли беморларида марказий ва церебрал қон айланиш, нейропсихологик оғиш, олинган билимларни тизимлаштириш ҳамда таснифлаш, диагностик ва прогностик алгоритмларни ишлаб чиқиш, клиник нюансларни баҳолаш ўта долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарақанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №011400196 «Юрак қон-томир тизими касалликларида неврологик бузилишлар ривожланишини асосий патогенетик механизмларини ўрганиш. Клиникаси, ташхислаш, мажмуавий даволаш ва олдини олиш масалалари» лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: ёшларда артериал гипотензия негизида ривожланадиган сурункали бош мия қон томирлари ишемиясининг клиник - неврологик хусусиятларни баҳолашга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қон босими параметрлари, вегетатив регуляция ҳолатининг кунлик мониторинг кўрсаткичлари билан клиник-неврологик белгилари йиғиндиси ва артериал гипотензия оқибатида сурункали бош мия қон томир патологиялари кузатилган ёш беморларда брахицефал ҳамда ўрта мия артерияларини дуплекс сканирлаш натижаларини таҳлил қилишни баҳолаш; клиник, нейропсихологик, нейрофизиологик ва невровизуал ўзгаришлар асосида артериал гипотензия оқибатида сурункали цереброваскуляр патология кузатилган сурункали бош мия ишемиясисиз ва ишемияси мавжуд беморлардаги когнитив бузилишлар учрашини баҳолаш;

артериал гипотензия оқибатида сурункали мия ишемияси кузатилган ёш беморларни сурункали мия ишемиясисиз ёш беморларга таққослаш

натижасида бош мия (P300) чақирган когнитив потенциалларни таҳлил қилиш;

ёш беморларда артериал гипотензия оқибатида сурункали цереброваскуляр касалликларни даволаш натижаларини динамикада қиёсий томондан таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи клиникасида фаолият олиб бораётган 400 нафардан ортиқ тиббиёт ходимларидан артериал босими паст бўлган 243 нафар инсонлар рутинли танлаш асосида олинган. Улардан 20-40 ёшдаги артериал гипотония кузатилган 94 нафар ходимлари ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб биокимёвий текширув ўтказиш учун беморлар қони ва зардобининг асосий кўрсаткичларининг материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: клиник, неврологик, нейрофизиологик (ЭЭГ-Р300, МРТ, СҚБМ, ТКДГ, бош мия томирлари УЗДГ), нейропсихологик тест ва тиббий-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Патогенетик асосланган артериал гипотензиянинг тизимлаштирилган клиник-неврологик белгилари асосида нейропсихологик оғишни ҳисобга олган ҳолда сурункали мия ишемиясининг эрта белгилари асосланган;

нейрофизиологик текширув натижалари асосида, клиник кўрсаткичларининг таҳлили билан бош мия гемодинамикаси ҳамда неврологик ва нейропсихологик бузилишларга таъсир қилувчи артериал гипотензияда каротид тизим церебрал гемодинамикаси орасида ўзаро боғлиқлик исботланган;

илк бор артерил гипотензиянинг авж олиши когнитив ва вегетатив бузилишларнинг ўсиб боришига боғлиқлиги, нейропсихологик шкала ва неврологик белгилар билан таққосланганда объектив тадқиқотларда P-300 бўсағасида когнитив ўзгаришлар кузатилиши исботланган;

бош мия жараёнларининг сурункали ҳолатининг олдини олиш сифатида артериал гипотензия кузатилган ёш беморларни холин альфосцерат ва ангиопротектор дори воситалари қўлланилганда даво самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёшларда когнитив бузилиш ривожланишига таъсир қилувчи артериал гипотензияни сўронома йўли билан аниқлашда анамнез омиллари ўрни баҳоланган;

ёшларда артериал гипотензияда когнитив бузилишнинг нейропсихологик, нейрофизиологик ва невровизуал хусусиятлари очиб берилган;

электроэнцефалографияда коэффициент ўзгариши ва артериал гипотензияда когнитив бузилишлар ривожланишини эрта баҳолашда P-300 потенциали чақирган ўзгаришларнинг имкониятлари ва аҳамияти кўрсатилган;

холин альфосцерат ва ангиопротектор дори воситаларини қўллаш ва P-300 потенциали чақирган боғлиқлик кейинчалик терапиянинг ижобий таъсирига динамик баҳо бериш имконини баҳоланган;

артериал гипотензиянинг магнит резонанс томография, транскраниал доплерография ёрдамида қон айланиш ишемияси ва сурункали шаклга айланишининг прогностик таъсир имкониятлари кўрсатилган;

ёшларда артериал гипотонияда сурункали бош мия ишемияси белгиларининг даволаш-диагностик алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, неврологик, нейрофизиологик, инструментал, нейропсихологик тест ҳамда статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ёшларда сурункали бош мия ишемияси ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшларда артериал гипотонияда когнитив бузилишлар ривожланишининг мавжуд патогенетик механизмлари очиб бериш, терапевтик реакция солиштириш натижалари ёш беморларда артериал гипотонияда уларни тўхтатиш ёки ривожланиш даражасини пасайтириш учун когнитив бузилиш терапиясини оптималлаштириш, терапевтик жавоб реакциясини башоратлашда аҳамиятли параметрлари асосида терапия танлашни асослаш артериал гипотония негизида сурункали бош мия ишемиясини даволаш усулларини такомиллаштириш ва даволашга кетадиган иқтисодий ҳаражатларни камайтиришга олиб келиш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аниқланган омилларни ҳисобга олиб, неврологик, терапевтик ва умумамалиёт шифокорлари амалиётида амалий қўллаш учун когнитив бузилишларни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, бу сурункали мия ишемиясини эрта ташхислаш, ўз вақтида даволаш муолажаларини тавсия қилиш ва эрта босқичларда касалликнинг олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшларда сурункали бош мия ишемияси ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларда сурункали бош мия ишемиясини ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятларини баҳолаш асосида олинган илмий натижалар асосида «Артериал гипертензияда сурункали бош мия ишемиясини коррекциялаш усули» мавзусидаги услубий тавсия тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 01 мартдаги 8 н-р/79

сон маълумотномаси). Натижада умумий амалиёт шифокорлари мос бўлган патогенетик йўналтирилган даволашни тўғри танлаш, даволаш жараёнида субъектив ва объектив неврологик белгилар динамикасини баҳолаш, шунингдек, когнетив фаолиятлар бузилишини тўғрилаш имконини берган.

ёшларда сурункали бош мия ишемиясини ривожланишида артериал гипотензиянинг неврологик хусусиятларини даволаш ташхислаш алгоритминини баҳолаш асосида олинган илмий натижалар асосида «Артериал гипотензияда сурункали бош мия ишемиясини даволаш ва ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 01 мартдаги 8н-р/79-сон маълумотномаси). Натижада патогенетик йўналтирилган даволашни тўғри танлаш, даволаш жараёнида субъектив ва объектив неврологик белгилар динамикасини баҳолаш, шунингдек, когнетив фаолият бузилишини тўғрилаш имконини берган.

ёшларда сурункали бош мия ишемиясини ривожланишида артериал гипотензиянинг клиник ва неврологик хусусиятлари баҳолашни такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 5-сон шаҳар клиник шифохонаси, Бухоро шаҳар «Азимед шифохонаси», Самарқанд вилояти 1-сон оилавий шифохонаси, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 майдаги 08-04-4768-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, ижобий натижалар сонинини 97,1%га ортиши, бу анъанавий даволашга нисбатан 13,8% юқорилигини, шунингдек, артериал гипотензияда миянинг сурункали ишемиясидаги таклиф этилган даволаш ташхислаш алгоритми даволашнинг амбулатор босқичида қабул қилинадиган дори воситалари миқдорини камайтиришга олиб келиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Артериал гипотензияда бош мия шикастланишининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида артериал гипотониянинг этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, артериал гипотонияни ташхислаш ва даволаш тамойиллари ҳақидаги замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган адабиётлар шарҳи берилди. Ушбу бобда адабиёт материаллари умумлаштирилди ва муаммо долзарблиги асосланди.

Диссертациянинг «**Артериал гипотензияда бош мия шикастланиши натижасида юзага келган неврологик ўзгаришларни баҳолашнинг материали ва усуллари**» деб номланган бобида муаммонинг ҳал бўлишини таъминловчи услубий ёндашув ва методлар берилди.

1 –босқич –20-44 ёшдаги ўрта тиббиёт ходимларидан иборат СамТИ 1-клиникасининг 400 ходими текширилди (ЖССТ бўйича ёшлар, 2016). Анкета сўровномаси ёрдамида артериал қон босим паст бўлган (кўрув вақтида) 216 киши аниқланди. Антропометрия (вазн, бўй, кўпчиликда ортиқча тана вазни аниқланди), невролог, кардиолог, окулист кўруви ўтказилди; қоннинг биокимёвий таҳлили, сийдик таҳлил қилинди; буйрак УТТ ўтказилди, ЭхоКГ кунлик артериал босим мониторинги, ЭЭГ олиб борилди. Анкета сўровномаси натижасида 67 (31%) ходимда диагностика мезони бўйича АГ аниқланди, уларнинг 65 нафари аёллар ва 2 нафари эркакларни ташкил этди, бунда аёллар устунлик қилди.

67 нафар текширилаётганлар 24 баллдан юқори – ўртача $29,5 \pm 0,6$ балл тўплади, бу уларда юрак қон томир тизимида муаммо борлигидан далолат беради. Қолган ҳолатларда ўртача балл – $21,8 \pm 0,6$ ни ташкил қилди ва АГ беморлари кўрсаткичларидан ишончли даражада фарқ қилди ($p < 0,05$).

Соғлигини ўзи баҳолаш бўйича (В.П.Войтенко бўйича 1991) анкета сўровномалари таҳлилида ҳам текширилаётганлар саломатлиги ҳақида маълумотга эга бўлди. Демак АГ кузатилган 67 бемор анкета саволномаси бўйича ўртача - $26,4 \pm 1,1$ балл тўплаган. Ўз соғлигини ўзи баҳолаш индексининг якуний олинган қийматига кўра, текширилган ходимлар саломатлигининг миқдорий тавсифи 88,1% (67 нафарда 59 нафари) ни ташкил қилди, бу ёмон ва жуда ёмон ҳолатни кўрсатади. Қолган ҳолатларда 149 ходим ўртача – $12,5 \pm 0,3$ балл ($P < 0,01$) тўплади, бу эса ўз соғлигига қониқарли баҳо берганидан дарак беради. Анамнез тўлиқ йиғилганда ва тўлиқ текширув ўтказилганда АГ аниқланган 67 бемор артериал босими

ўлчанганда систолик артериал босим (САБ) 105 мм.см устунидан паст ва диастолик артериал босим (ДАБ) 65 мм симоб устунидан пастлиги аниқланди.

Анамнездан яна артериал гипотензия давомийлиги 5-15 йилгача ўзгариб туриши, ўртача $14,8 \pm 0,3$ йилни ташкил қилиши аниқланди, уларнинг 45 нафари (67,2%) артериал гипотензия уларда ўсмирлик давридан кузатилаётганлигини кўрсатишди. Яна АГ кузатилган 29,8% (67 нафардан 20 нафариди) бемор анамнезида сурункали соматик ва неврологик касалликларнинг клиник белгилари, бош мия травмалари, невроз кузатилмади. Бу беморларнинг ёши 20-23 ёшда ўзгариб турди. Бироқ ўз соғлигини ўзи баҳолаш анкета сўровномаси (В.П.Войтенко бўйича 1991) маълумотларига кўра, улар 15-20 балл тўплади ва ўзларини яхши ҳис қилмаслигидан шикоят қилишди.

2 - босқич – бундан ташқари касалхонадаги беморлар сонидан паст қон босими билан сурункали бош мия ишемияси кузатилган 27 нафар неврологик бўлимдаги беморлар асосий текширилаётган гуруҳга киритилди.

Шундай қилиб, диссертация олдига қўйган мақсадга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун 20-44 ёшдаги АГ кузатилган 94 нафар киши комплекс текширувдан ўтказилди (уларнинг ўртача ёши $36,9 \pm 0,5$). Уларнинг 14 нафари эркаклар (ўртача ёши - $36,0 \pm 0,8$ ёш) ва 80 нафарини аёллар (ўртача ёши - $37,2 \pm 0,9$ ёш) ташкил қилди, бу беморлар асосий гуруҳни ташкил қилди, кейинчалик улар 2 гуруҳга бўлинди: 1 -гуруҳ –соматик бузилишлар билан артериал гипотензия; МКБ бўйича-10 шифр F45.0 (АГСБ), 2 -гуруҳ– сурункали бош мия ишемияси билан артериал гипотензия МКБ бўйича-10 шифр 167.8 (АГСБМИ). Назорат гуруҳини бир хил ёшдаги 35 нафар соғлом ходимлар ташкил қилди.

3 –босқичда МРТ, Р-300, ТКДГ, нейропсихологик тестлар (Mini-Mental State Examination; MMSE; вегетатив белгиларни аниқлаш учун (Вейн А.М., 1998 й.) Ч.Д.Спилбергер, Ю.Л.Ханин ўзининг ўзи ваҳима даражасини баҳолаш саволнома шкаласи;) даволаш фониди 3-6- ойлар динамикасида ўтказилди.

4-босқич асосий гуруҳнинг А кичик гуруҳига 5 кун мобайнида L-лизин эсцинат (беш кун мобайнида 10 мл + Натрий хлор 0,9% 100 мл вена ичига томчилаб) ва Церетон холин альфосцератни (бир ой мобайнида кунига 2 марта 400 мг дозада буюрилди) комплекс қабул қилган 35 бемор киритилди. В кичик гуруҳга базали даволаш усулини қабул қилган 30 нафар бемор киритилди.

Киритиш мезонлари 105-100/65-60 мм. симоб устунидан паст узок муддатли артериал босимга эга АГ беморлари ва анамнезида ..+, неврологик патология, ўткир мия қон айланишининг бузилиши, жумладан транзитор хужум, инсульт кузатилмаган беморлар бўлди.

Четлатиш мезонлари стеноз, брахицефал томирларнинг кучли деформацияси ва аномалиялари, юрак парогли ва юрак ритми патологияси, ЮИК, миокардит, кардиомиопатия, қандли диабет, анемия, ўсма ва қалқонсимон без гипоплазияси кузатилган беморлар бўлди.

Олинган маълумотлар дастурлаш бўйича Pentium-4 персонал компютерида статистик вазифалар библиотекасидадан фойдаланиш билан EXCEL пакетида ишлаб чиқилган. Ўртача ҳажм фарқи $P < 0,05$ кўрсаткичи даражасида ишончли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Ёш беморларда артериал гипотензияга сабаб бўлувчи сурункали цереброваскуляр касалликларнинг клиник кўриниши**» деб номланган учинчи бобида артериал гипотонияда цереброваскуляр касалликлар клиник тавсифининг таҳлил материаллари берилган. Сўровномадан маълум бўлишича, барча беморларда такрорий ўзларини ёмон ҳис қилиш даврлари кузатилган. Бу даврлар аксарият ҳолатларда юқори даражада чарчоқ (84 (89,4%) бемор), бош оғриғининг пайдо бўлиши (89 (39,4%) беморда), шунингдек ортостатик гипотониянинг ҳушидан кетиш ҳолатлари, синкопе (17 (18,1%) беморда) аниқланган. АГ беморларининг энг кўп қисмида бош оғриғи ва бош айланишидан шикоятлар кузатилган, 2-гуруҳда бу устунлик қилган.

Бироқ АҚБ нинг пасайиши билан пайдо бўладиган бош оғриғи 1-гуруҳда кўп кузатилди. Яна 1-гуруҳнинг аксарият беморларида меҳнат қобилияти пасайган. Қолган шикоятлар ҳар иккала гуруҳда бир хил аниқланган. Аксарият беморлар (44,9%) пешона-чакка ва пешона соҳасидаги оғриқдан шикоят қилишган. Ундан кейин чакка соҳасидаги бош оғриғи (24,7% беморда), кам ҳолатда бошнинг тепа қисмидаги оғриқ (8,9% беморда), бошнинг тепа пешона қисмидаги оғриқ ва гемикрания (3,2% беморда) учраган.

Цефалгия 39,3% беморда пульслаш, 16,4% беморда қисувчи, 26,2% беморда эзувчи ва 19,7% беморда диффуз характерга эга бўлган. Бироқ ифодаланган гуруҳ АГ беморларида бош оғриғи характеридаги тафовут статистик аҳамиятга эга бўлмаган.

1-гуруҳнинг 17 (85%) беморларида ва 2-гуруҳнинг 72 (97,3%) беморларида бош оғриғи ўз ўрнига эга бўлган. 2-гуруҳда кўпроқ эрталабки соатларда, ёки куннинг иккинчи ярмида кузатилгани сингари 1-гуруҳда цефалгия кун вақтига боғлиқ бўлмаган. Бош оғриғи жисмоний ва психоэмоционал омиллар таъсирида кучайган. Бош оғриғини қолдириш учун анальгетиклар, таркибида кофеин бўлган дори воситалари, қахва, чой, шунингдек пассив дам олиш, кўпинча бир оз ухлашдан фойдаланилган. 1-гуруҳда бош оғриғи 60% беморда, 2-гуруҳда 17,6% беморда уйқудан кейин ўтиб кетган.

Эрталабки астения белгилари (қийинчилик билан уйғониш, уйқудан кейин бевосита фаол руҳий ва жисмоний фаолиятнинг кам бўлганлиги) 1-гуруҳдан 60,0% беморни безовта қилган, 2-гуруҳда эса бу белгилар частотаси бир оз юқори бўлган.

Юзнинг эрталабки шишиши 1-гуруҳда 25,0% , 2-гуруҳда 58,5% беморда ($P < 0,05$); «таранг ёқа» синдроми 1-гуруҳда 30,0% беморда, 2-гуруҳда 41,9% беморда аниқланган. Куннинг биринчи ярмида кўзда санчиқ, “паст ёстик” симптоми 2-гуруҳда истисно тариқасида 43,2% ва 21,6% беморда қайт этилди. Вена дисциркуляси учун хос шикоятлар 2-гуруҳда ўсиб борди ва айрим ҳолатларда статистик аҳамиятли характерга эга бўлди ($P < 0,05$).

Вегетатив шикоятлар 1-гурухда 100% беморда ва 2-гурухда 76,6% беморда учради.

2-гурухда кафт ва бармоқларнинг совқотишидан (77,0% бемор; $P<0,05$), ҳаяжонда юзнинг қизариши ёки оқариб кетишга мойиллик (45,9%), ҳаво етишмаслик ҳисси (60,8% беморда), кўп терлашдан (56,8% бемор), баъзан бу гуруҳ беморлари кардиалгия (32,4% бемор) ва липотимия, синкопедан ҳам шикоят қилишди (41,9% бемор; $P<0,05$).

Анамнестик сўровнома асосида артериал гипотензия бўйича оғирлашган ирсийлик фоизи 75,7% ҳолатда бемор қариндошларида (кўпинча она томонидан биринчи қатордаги қариндошларда) учраши аниқланди. АГ беморларида АҚБ нинг паст даражасини аниқловчи экзоген омиллардан ош тузини ортикча (64,9% беморда) ва суюқликни кам истеъмол қилинганлиги (84,0% беморда) аниқланди.

АГ беморларининг 83,0% (94 беморнинг 78 нафариди) вегетатив қон томир бузилиши белгилари аниқланди. 1-гурухда бир нечта вегетатив дисфункция белгилари қовоқ ва кўл бармоқлари тремори турида (14,9% қарши 40%; $P<0,05$), тери рангининг ўзгариши (25,7% қарши 45,0%), гипертермия (мос ҳолда 8,1% қарши 15,0%; $P<0,05$) кузатилди. 2-гурухда етарлича кўп ҳолатда метеога боғлиқлик (мос ҳолда 25% қарши 50%; $P<0,05$) аниқланди, гипергидроз, Рейн синдроми ва вегетатив намоён бўлиш асимметриясининг учраши ишончли пасайишсиз кузатилди.


1-гурух беморлари 2-гурух беморларига нисбатан ёшроқ бўлди ($p<0,05$): мос ҳолда $32,9\pm 0,4$ ёш ва $41,8\pm 0,5$ ёш. 2-гурух беморларида касаллик давомийлиги узокроқ бўлди, бу сурункали бош мия қон томири етишмовчилигининг дастлаб белгилари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин эди.

Вегетатив ўзгариш белгиларини (Вейн А.М., 1998 й) аниқлаш учун сўровнома таҳлилида қуйидаги қонуниятларни аниқладик, 2-гурухда фақат 5,7% бемор 15 баллдан кам тўплаганда 1-гурухда 60% бемор 15 баллдан кам тўплади, бу эса ишончли статистик характерга эга эканлигини кўрсатади ($P<0,01$). Вегетатив тонуснинг эйтоник варианты 1-гурухда 2-гурухга нисбатан (5,7% қарши 60,0%; $P<0,01$) аниқланди, ваготоник вариант деярли ҳар иккала гуруҳда бир хил частотада учради (мос ҳолда 10,0% га қарши 11,3% ; $P>0,05$), яна ВНТ нинг симпатикотоник тури 2-гурухда кўпроқ аниқланди (84,3% қарши 29,0 ; $P<0,05$) (1-расм).

Спилбергер-Ханин шкаласи бўйича эмоционал соҳадаги ҳаяжон гуруҳ беморларида реактив ва шахсий параметрлар каби ишончли ошганини кўрсатди. 2-гурух беморларида 1-гурух беморларига нисбатан ҳаяжоннинг ишончли устунлиги кузатилди ($P<0,05$). Фикримизча, хотиранинг пасайиши хавотир бузилишининг ривожланиши учун сабаб ҳисобланади.

1-гурух беморларида MMSE шкаласи бўйича баллар йиғиндиси $24,8\pm 0,53$ ($P<0,001$), 2-гурух беморларида эса баллар $23,4\pm 0,09$ ($P<0,001$) ни ташкил қилди, 2-гурух беморларининг устунлигида ҳар иккала гуруҳда ўртача когнитив бузилиш мавжудлигидан далолат беради. MMSE тести бўйича когнитив бузилишларнинг ифодаланганлиги таҳлил қилинганда 2-гурух беморларида когнитив бузилиш 1-гурух беморларига нисбатан кучли

ифодаланганлигини кўрсатди ($P < 0,05$). 1-гурухда 3,8% ва 2-гурухда 1,8% бемор норматив кўрсаткичларга эга.



1-расм. Артериал гипотензияли беморларда А.М.Вейн шкаласи бўйича вегетатив бузилишларни намоён бўлиши

СБМИ белгиларисиз АГ беморларида нейродинамик когнитив жараёнлар ва фикрлаш операцияларининг тезлиги СБМИ белгилари кузатилган беморларга нисбатан ўзгармаган. 2-гурух беморларидан фарқли ўлароқ, АГ беморлари гуруҳида P300 амплитудасининг тенг тақсимланганлиги аниқланди. АГ фонида СБМИ кузатилган беморларда P300 пиклараро амплитуда мураккаб вербал намунада пешона ёриғида аниқланди. Бир томондан бу факт босқичли жараённинг (кўпинча пешона қисмида патологик жараён, кейинчалик бош миyanинг бошқа бўлимларида кузатилади, СБМИ шаклланиш босқичида бош миyanинг бошқа қисмларида пиклараро амплитуда сақланиши мумкин) намоён бўлиши мумкин. Бошқа томондан пешона ёриғида P300 пик амплитудасининг ошиши такрорий стимулни тушуниш билан боғлиқ бузилишда намоён бўлиши мумкин (1-жадвалга қаранг). Эҳтимол, икки омилларнинг бирикиши АГ да пешона ёриғида амплитудани оширади, бу ярим шарлараро ассиметрия турида ифодаланади.


1-жадвал

Даволашнинг турли схемаси негизида, артериал гипотензияга боғлиқ бўлган сурункали бош мия ишемияли беморларда P300 параметрларининг динамикаси

P300 пик параметрлари	Назорат гуруҳи	1-гурух (n=20)	2-гурух (n=74)
Латент давр, м/сония	319,7±11,2	320,6±6,5	343,8±6,5*^
амплитуда, мкВ	13,3±0,9	14,8±2,3^	15,3±1,8*^
R=латент давр/ ампл.	24,0±0,4	21,7±3,2	22,5±2,5*

Изоҳ: * - $p < 0,05$ да 1 ва 2 гуруҳга нисбатан фарқлар ишончли; ^ - $p < 0,05$ да назорат гуруҳининг нисбати бўйича фарқлар ишончли.

MMSE ($r = -0,568$ ва $r = -0,678$), Вейн шкаласи ($r = -0,654$ ва $r = -0,761$), Спилберг–Ханин шкаласи кўрсаткичлари ($r = -0,784$ ва $r = -0,761$) ҳамда N200 ва P300 даражалари билан тескари ўртача ва кучли корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланди (2-расмга қаранг).



2-расм. Нейропсихологик тест кўрсаткичлари билан P300 корреляцияси

1-гуруҳ беморларида вербал ва новербал стимуляцияда бошнинг тепа қисми ёриғида когнитив чақирган потенциалнинг оғиши билан ажралиб туради. Мураккаб вербал намунада пешона ёриғида ярим шарлараро ассиметрия кузатилди.

2-жадвал

Артериал гипотензияли текширилган беморлар орасида аниқланган нейровизуал ўзгаришлар

Нейровизуализацион ўзгаришлар	1 гуруҳ (n=20)		2 гуруҳ (n=74)	
	Абс.	Абс.	%	%
Лейкоариоз	3	15*	34	45,9
Бош мияда кичик дистрофик ўчоқлар	2	10*	40	54,1
Ички гидроцефалия	1	5*	20	27,0
Лейкомаляция	0	0	14	18,9
Бош миядаги кичик ишемик ўчоқлар	1	5*	17	23,0

Изоҳ: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотлар ишончилиги ($P < 0,05$)

АГ га сабаб бўлувчи СБМИ кузатилган ёш беморларда аниқланган асосий МРТ ўзгаришлари 2-жадвалда берилди. Мазкур жадвал 2-гуруҳ беморларига таққосланганда АГ га сабаб бўлувчи ички гидроцефалия фақат 1-гуруҳ беморларида аниқланганлигини кўрсатади. АГ беморлари гуруҳида

нейровизуал маълумотлар таққосланганда АГ га сабаб бўлган ички гидроцефалия кўпроқ 1-гурухда учради $p < 0,05$.

Лейкоароз билан касалланиш тез-тез 2-гурухда қайд этилган, артериал гипотензия туфайли деярли 3,1 марта тез-тез ($P < 0,05$) да. Бош миёда дистрофиясининг кичик ўчоқлари 2-гурухдаги беморларда 5,4 марта тез-тез кузатилган. Лейкомаляция борлиги 2-гурухдаги беморларнинг 18,9 фоизида қайд этилган, МРТ маълумотларининг 1-гурухида ҳеч қандай ўзгаришлар қайд этилмаган. Миёнинг кичик ишемик ўчоқлари 2-гурухдаги беморларнинг 23,0% ва 1-гурухдаги 5% беморларда топилган, олинган маълумотлар ишончли ($P < 0,05$).

Артериялар деформацияси ва аномалиялар ривожланиш жараёни стенозланган беморлар тадқиқотга киритилмади. Қатор беморларда ўртача кўрсаткичда $0,77 \pm 0,17$ мм СБМИ қалинлигининг 1,3 мм га унча катта бўлмаган даражада катталаниши аниқланди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Назорат гуруҳи шахсларида ва СБМИнинг мавжуд бўлишига боғлиқ ҳолда текширилган АГ беморларида ВСА бўйича гемодинамика кўрсаткичлари

Параметрлар, М (σ)	1 гуруҳ (АГСФБ)(n=20)	2 гуруҳ (АГ СБМИ) (n=74)	Назорат гуруҳи (n=35)
IR	0,61±0,05	0,55±0,05	0,62±0,04
PI	0,88±0,12	0,94±0,27	1,11±0,09
ЛСК max, см/с	63,1±10,5	69,8±18,3	79,4±11,2
ЛСК min, см/с	32,3±5,2	29,2±5,3*	36,2±6,1
ЛСК mean, см/с	45,1±6,3	37,1±6,8*	43,9±7,1
Voб max, мл/дақиқа	328,4±41,8	321,8±52,3	381,3±71,3
Voб min,мл/дақиқа	120,0±16,5	107,5±28,3*	130,2±25,4
Voб mean,мл/дақиқа	212,1±35,6	204,8±21,4	248,1±62,3

Изоҳ: * - назорат ва АГ беморлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

1-гурух беморларида ВСА бўйича гемодинамика IR ва 2-гурухда PI нинг пасайиши билан тавсифланади (назорат кўрсаткичларини таққослаш бўйича $p < 0,05$). 1-гурух беморларида ЛСК кўрсаткичлари назорат кўрсаткичларига нисбатан статистик сезиларли даражада паст бўлган. ЛСК min фақат 2-гурух беморларида паст бўлди. 1-гурух беморларида ЛСК meanу назорат гуруҳи ЛСК билан таққосланади, бироқ 2-гурухда ривожланишда бу кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан статистик камайган. 1-гурух беморларида ҳажмли тезлик кўрсатмалари (V ум. max, V ум. min ва V ум. mean) назорат кўрсаткичларидан паст бўлган, 2-гурух беморларида у анча ифодаланган эди ($p < 0,05$).

Барча АГ беморларида қон оқимининг ҳажмли тавсифи назорат гуруҳи кўрсаткичларига таққосланганда статистик сезиларли паст бўлган ($p < 0,05$). Шу билан бирга 2-гурух беморларида назорат гуруҳига таққосланганда қон оқимининг ўртача ҳажмли тезлиги икки мартаба ($p < 0,05$) ва бу

параметрларнинг оғирлик редукцияси 2-гурух беморларига нисбатан камайгани аниқланди ($p < 0,05$), бу артериал гипотензияга сабаб бўлувчи ЮВК да қон оқимининг мавжуд танқислигини акс эттиради.

Ўрта мия артерияси бўйича қоннинг чизикли оқими кўрсаткичлари барча АГ беморларида назорат кўрсаткичларидан паст бўлган ($p < 0,05$). 2-гурухда IR ҳам АГ ва назорат гуруҳи беморларига нисбатан паст бўлди ($p < 0,05$). Ҳар иккала гуруҳ АГ беморларида P1 назорат кўрсаткичларидан сезиларли паст бўлди ($p < 0,05$).

Умуртқа артериясида умумий V барча нейрпсихологик тестлар кўрсаткичлари; MMSE ва Вейн шкалалари бўйича маълумотлар билан V min, V mean ПА кўрсаткичлари билан тузатилади. MMSE шкала кўрсаткичлари, Спилбергер-Ханин бўйича ўз ташвиш даражасини ўзи баҳолаш шкаласи, V min ва V mean СМА кўрсаткичлари ўртасида корреляцион ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланди. АГ беморларида ВСА ва ПА (V max, V min, V mean) ҳамда MMSE бўйича ЛСК кўрсаткичлари ўртасида салбий ўзаро боғлиқликни кўриш гнозисда ЛСК паст кўрсаткичларининг негатив таъсири тасдиқлайди.

Барча беморларда суткалик қон босими мониторинги (СҚБМ) маълумотларининг таҳлилида АҚБ (САҚБ, ДАҚБ, АҚБ ср) кунлик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан паст бўлган ($p < 0,05$), тадқиқотда беморларни саралаш шарти ҳисобланиб, АГ мезонларига мос келган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Кун даври мобойнида назорат гуруҳ шахслари ва ИАҚБ беморларида АҚБ ҳамда ЮҚС кўрсаткичлари

Параметрлар, М(о)	1 гуруҳ (n=20)	2 гуруҳ (n=74)	Назорат гуруҳи (n=35)
САҚБ, мм симоб устуни	103±2,3*	102±2,5*	129±2,7
ДАҚБ, мм симоб устуни	68±1,2*	71±1,1*	81,2±2,3
АҚБўртача мм симоб устуни	87,4±4,3*	87±2,8*	98,2±3,5
ПАҚБ, мм симоб устуни	34,3±2,1	31,3±1,8	50,2±1,5
ЮҚС зарба/дқиқа	77,5±2,3	86,8±2,2*	75±1,8

Изоҳ: * - назорат ва АГ беморлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ($p < 0,05$).

Ҳар иккалагуруҳ беморларида ПАҚБ унча катта бўлмаган кўрсаткичи ДАҚБ га нисбатан САҚБ ўта ифодаланган пасайишининг оқибати ҳисобланади. 2-гурухда 1- ва назорат гуруҳларига нисбатан ЮҚС нинг ошиши қайд қилинди, бунга организм қон айланишини яхшилашга қаратилган симпатикотония оқибати сингари қараш мумкин. “Тунги” даврда артериал босим кўрсаткичи ҳам назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан паст бўлди ($p < 0,05$).

2-гурух беморларида ЮҚС назорат гуруҳига нисбатан юкори ($p<0,05$) бўлиб, ортикча тунги симпатик таъсир белгиси бўлиши мумкин (5-жадвал). АГ беморларида артериал босимнинг нисбий кўрсаткичидаги тафовутга қарамай, артериал босим вариабеллиги нормадан ташқарида бўлади.


non-dippers устунлигида 60,6% ҳолатда (94 нафар беморнинг 57 нафарида) қайд қилинганда САҚБ учун dippers туридаги меъёрий ўИ фақат 38,3% АГ беморларида (94 беморнинг 36 нафарида) кузатилди. Ушбу муносабат назорат кўрсаткичларидан: мос ҳолда текширилаётганларнинг 73,1% ва 7,7% да фарқ қилди ($p<0,05$). САҚБ нинг (night-peakers, over-dippers) бошқа кунлик профиллари билан назорат гуруҳидаги кишилар ва беморларнинг аниқланиш частотаси бир хил бўлди (3-расм).

5-жадвал

Назорат гуруҳ шаслари ва АГ беморларида “тун” даври мобайнида АҚБ ва ЮҚС кўрсаткичлари

Параметрлар, М (а)	1 гуруҳ (n=20)	2 гуруҳ (n=74)	Назорат (n=35)
САҚБ, мм симоб устуни.	97,1±1,6 *	93,2±1,4 *	119,4±2,1
ДАҚБ АБ, мм симоб устуни.	62,3±2,5 *	61,7±2,5 *	72,1±2,2
АҚБўртача мм симоб устуни.	79,9±1,1 *	78,1±1,3*	85,2±1,6
ПАҚБ, мм симоб устуни.	34,6±1,6 *	31,3±1,4*	45,2±1,8
ЮҚС, зарба/дақиқасига	68,1±1,7	71,2±1,5*	62,4±1,3

Изоҳ: * - назорат ва АГ беморлари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ($p<0.05$).




3-расм. Назорат гуруҳ шаслари ва АГ беморларида САҚД учун ўИ

АГ да ДАҚБ учун 58,5% (94 нафардан 55 нафарида) СИ dippers аниқланди, 33,8% беморда non- dippers кунлик ритми, 7,8% беморда over-dippers кузатилди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар 73,1%, 11,5% ва 7,8% кишида (мос ҳола $p>0,05$) учради.

АҚБ учун СИ таҳлилида шунга ўхшаш қонуниятлар аниқланди. АГ беморларида 51,1% ҳолатда СИ dippers, 47,9% беморда СИ non-dippers, 1,1% беморда СИ over-dippers кузатилди (4-расмга қаранг).

Назорат гуруҳида 73,1% беморда СИ нормада (dippers), 7,7% беморда - non-dippers ва night-peakers, 11,5% текширилаётганларда - over-dippers бир хил даражада бўлди. Ҳар иккала гуруҳ беморларида СИ non-dippers назорат гуруҳига нисбатан бир хил даражада бўлди ($p<0,05$). 2-гуруҳда dippers сингари СИ назорат гуруҳига таққосланганда камроқ аниқланди ($p<0,05$). Ҳар иккала гуруҳда ДАҚБ га нисбатан over-dippers беморлари сонининг камайиши ҳисобига СИ non-dippers кузатилган беморлар сонининг ошишга мойиллиги аниқланди. Бунда меъёрий СИ кузатилган беморлар сони назорат кўрсаткичларига таққосланди.



4-расм. Назорат гуруҳ шахслари ва Аг беморларида ДҚБ учун ЎИ

Шундай қилиб, 1-гуруҳда 45,0% ва 2-гуруҳда 36,9% беморда артериал босим кўрсаткичининг пастлигига қарамай, САҚБ умумқабул қилинган нормадан ташқари камайгани, ДАҚБ учун 1-гуруҳда 42,1% беморда СИ нормадан 10-20% (dippers) ташқарида учраши ва 2-гуруҳда фоизли муносабатнинг ўзгармаганлиги аниқланди. АГ беморларида “кундузги” даврда гипотензия вақти индекси кутилганидек, назорат кўрсаткичларидан

ортиб кетди. Бунда гуруҳлар ўртасида статистик сезиларли фарқ аниқланмади.

Вегетатив статусни тавсифловчи ВИ Кердо кўрсаткичлари қўшимча тарзда таҳлил қилинди (6-жадвал).

6-жадвал

Назорат гуруҳ шахслари ва АГ беморларида “кун”/ “тун” даври учун ВИ Кердо белгиси

ВИ Кердо	1 гуруҳ (n=20)				2 гуруҳ (n=74)				Назорат (n=35)			
	Кун		Тун		Кун		Тун		Кун		Тун	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
